

Мир Араб олий мадрасасида имом-хатибларга малака ошириш ўқувлари бошланди



12:35 / 22.08.2023 1506

Бугун, 22 август куни Бухоро вилоятидаги Мир Араб олий мадрасасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда туман-шаҳар бош имом-хатиблари учун малака ошириш ўқувлари бошланди.

Илк машғулотларда Президент маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ва Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Давронбек Махсудов нутқ сўзлади.

Сўзга чиққан нотиқлар мазкур малака ошириш ўқувларидан кўзланган мақсад мамлакатимизнинг янги тараққиёт даврида диний соҳа ходимлари олдида турган диний-маърифий ишларни янада жадаллаштириш, ёшларни ҳар томонлама етук шахс сифатида тарбиялаш, уларни ёт ғоялар таъсиридан сақлашга қаратилган тарғиботларни кенг кўламда ташкил этиш, айниқса, бош имом-хатибларнинг фуқаролар билан ишлаш, масжидлар ишини юритиш, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам вакиллари ямийатга қайтариш билан боғлиқ фаолиятларини самарали олиб бориш эканини алоҳида қайд этдилар.

Ташриф давомида Муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Мир Араб олий мадрасасининг янги биносида талаба-ёшлар ва мударрисларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, муҳим тавсиялар бердилар.





MUSLIM.UZ



MUSLIM.UZ

